



26.01.2022 даги

"HUDUDGAZTA'MINOT" AJ ва Болалар мусикава ва санъат мактаби ўртасида 19999980,00 сўм умумий
суммага тузилган 9/11 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб

056

Шахсий газна ҳисобварақ

400622860082237096600056001

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4222000			
Январь	4 000 000,00			4 000 000,00
Февраль	4 000 000,00			4 000 000,00
Март	2 000 000,00			2 000 000,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь	2 000 000,00			2 000 000,00
Ноябрь	4 000 000,00			4 000 000,00
Декабрь	3 999 980,00			3 999 980,00
Жами йил бўйича	19 999 980,00			19 999 980,00

Жами 19999980,00 сўм

Ўн тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг тўққиз юз
саксон сўм 00 тиғин
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан _____ сўм ёки _____% *** шартноманинг умумий суммасидан
_____ % ***20 _____ ойида тўланиши лозим.


(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада
тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;


(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойна _____% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши
лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар
кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар)
етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари




Каттакишиева Карима Бекназаровна
Ф И Ш

Буюртмачи баш бўхгалтери


Болбеков Х. С.
Ф И Ш

Газначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(имзо)

(имзо)

« _____ » _____ 20 _____ й.

« _____ » _____ 20 _____ й.

Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш

ШАРТНОМАСИ

2022 йил 26-01 9/11-сон Шушдак шаҳри (шаҳарнома тузилган ҳоли)
Низом асосида феолият юритувчи 13-сон болалар мушффа

(Истеъмолчи номи) (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади),
рахбари ис.мо.га.и.к.ш.и.с.б. бир томондан ҳамда Низом ва
200 йил Ш.А. Ойибозоров - сонли ишончнома асосида феолият юритувчи
Шушдак шаҳрида ГТФ (газ таъминоти таъжиклоти номи) (кейинги
ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари Ю.Табибжониев
икки томондан, қуйидакилар тўғрисида махфур шартномани туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг
келтирилган буюртма-номаси бўйича табиий газ (кейиниларда ўринларда газ деб аталади)
етказиб бериш мажбуриятини ошад, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-
бандида кўрсатилган ҳақда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни
белгиланган нарх бўйича ўз муддатда амалга оширади.
1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва гадаштириш лойиҳасига мувофиқ,
газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертифициката эга газ қурилмалари,
шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари
деб аталади) мажбур бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган метёрларга (Табиий газдан
фойдаланиш қондаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотта (ёки
кўрсаткичда) қиммат) ишбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжини тақдим этади.
Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши
таъмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган
газ ҳажми текшик шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда 8000 куб.м,
нархи _____ минг сўмон ташқил қилади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича
қуйидагича тақсимланади:
I чорак 18.0 минг куб.м, январь 8.0, февраль 8.0, март 3.0
II чорак _____ минг куб.м, апрель _____, май _____, июнь _____
III чорак _____ минг куб.м, июль _____, август _____, сентябрь _____
IV чорак 11.0 минг куб.м, октябрь _____, ноябрь 3.0, декабрь 8.0

Етказиб берувчи томондан хизматларни тўлик ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва
газ тақсимоти тармоқларининг ишлаши издан чиққан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қароринда кайд этилган стратегик
ва иқтисодий аҳамиятта эга Истеъмолчиларга 20 йилда зарур бўлган табиий газнинг
минимал ҳажми _____ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича
қуйидагича ташқил қилади:

I чорак _____ минг куб.м, январь _____, февраль _____, март _____
II чорак _____ минг куб.м, апрель _____, май _____, июнь _____
III чорак _____ минг куб.м, июль _____, август _____, сентябрь _____

IV чорак _____ минг куб.м, октябрь _____, ноябрь _____, декабрь _____
1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлган буюртманомани тақдим этмаса,
Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир мил
минклорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва
газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансида мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида
кайта кўриши мумкин, Истеъмолчи томонидан навабдаги ой (чорак) учун
кўрсатилган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти таъжиклотига
хабар бериш тақдирда, бундай ҳолат ортқича олдинга газ миқдори деб ҳисоблашмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада кайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда
ГОСТ 5542-2014 (Санаят ва коммунал фойдаланиш учун табиий газлар) га мувофиқ
тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига
асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суткалик метёрни доирасида газ қабул қилиб олади,
шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини
имқолади.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул қилиш
тариби ва шартлари ўзгаришнинг тўғрисида барча усуллар орқали Истеъмолчини хабардор
қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:
88-39-77. 78.318-10-04.

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами:

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш қисқартирилишига қадар
камда 24 соат аввал бу ҳақда хабардор қилиши шарт, магистрал газ қурулларда юз берган
авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб
бериш дархол қисқартирилади ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ қурулларининг технологик иш режимлари
бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида иқтисодий соҳа объектларини ва аҳоли
истеъмолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи
Истеъмолчини оғошлагирган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш
ҳуқуқига эга, Истеъмолчи жа захира ёқилги туридан фойдаланишига Утди.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида
текор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарлиқни ўз зиммасига
олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёқилги туридан фойдаланиши кўлда тутиши ва уни старли
миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб
берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ
захира ёқилгига ўтиши ва газдан фойдаланиши тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг
тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзинга тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган
ускуналар, ГТН (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз холда
фойдаланиши, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.9. Истеъмолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши,
реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб
келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўшимча газдан фойдаланиш

ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реқвизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақда хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимининг ягона узлуksиз технологик жараёнини ҳисобга олиб, табиий газни Ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланиши ҳисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуқтаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик миқдори стандарт шароитда 1 м³ газ олинади: ҳарорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) кийматлари бўйича тузатилади.

Газ миқдори “Ўзстандарт” агентлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ газ миқдорини стандарт шароитга автоматик равишда келтирадиган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулк ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қондалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТТХНАТ-АСКУТ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қондалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида O'z DSt 8.030:2008 “Ёқилги ва энергия. Ҳисобга қўйиладиган умумий талаблар”, O'z DSt 8.031:2008 “Ёқилги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жиҳозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиши.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари “Ўзстандарт” агентлигининг жорий қиёслов кўригидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг қиёслов кўригидан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўзстандарт” агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини)

“Ўзстандарт” агентлигида метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вақтида бажарилиши учун масъулдир

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслов кўриги/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслош кўриги/калибрлаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси чақиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усуллари танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашга таъсир қиладиган қисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутдиги Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вакиллариининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиқсиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида ғайритабиий ҳолатлар юзага келган тақдирда O'z DSt 8.064:2017 бўйича газнинг миқдори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш қурилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига руҳсатсиз аралашини ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда тамгаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш (ноконуний байпас линиялари уланганда) охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда - охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) - шарҳноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда - киёслов кўригидан ўтказиш учун ечилганда - ҳисобга олиш прибори ечилган кундан "Ўзстандарт" агентлигидан киёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вақтга;

д) ҳисобга олиш приборини киёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тутаганда - киёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тутаган кундан киёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилган кунгача бўлган вақтга;

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда - охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб қўйилганда - охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ қувурларида ёки ГТНларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

и) Газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда ташқи таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда - ташқи таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво муддатидан ортқ бўлмаган муддатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сақланадиган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан ҳисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда (Ҳисоб-китоб учун ТҲНАТ (АСКУГ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТҲНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг руҳсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса - газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охириги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштирмасдан истеъмолчи томонидан қўшимча газ қурилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (қўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантурувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида) - бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажмининг пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг метъерий-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлимиларида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказилганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соҳ ҳолатда бўлганда эса - экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиққанда ёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиш ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичида Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб там аланишини таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиш ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга амалга оширилади. (O'z DS1 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нарҳлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан қаида 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан қаида 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирги тартибида мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан қаида 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойнанинг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнанинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш ойна тутагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

4.18. Газ узиб кўйилганидан сўнг ўзбошимчилик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ хажми ва унинг қиймати газ узиб кўйилган кундан кунга бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлик қувват билан ишлаб туриши ҳисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нарсалар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунида белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг аванис тариқасида тўланган хажми учун тўлов қунидан бошлаб қўли билан кейинги 1 ой қўшимча тўлов тўлашдан озоод қилинади.

V. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ Фойдаланиш учун жавобгарлик

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланмаган ва икки нусxada тузилган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1.-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ хажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2.-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ хажми қийматининг ундирилиши Истеъмолчини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озоод қилмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ КЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчида қуйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилушига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартноманий мажбуриятлар бажарилмаганда;
 - Етказиб берувчи вакиллари томонидан газдан фойдаланиш ускуналари ва ҳисобга олиш қурилмаларини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;
 - фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;
 - шартномада белгиланган буюртмаларга етарли миқдорда олдиндан тўловлар амалга оширилмаганда;
 - Етказиб берувчининг ва "Ўзнефтегазинспекция"нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;
 - ҳисоблаш приборларига касддан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;
 - газни ҳисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш;
 - Газдан фойдаланиш қондаларига эйд равншида газ тармоқларига ноқонуний уланши ёки бошқа қондабузарликлар ёқуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланганда;
- Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.
- 6.2. Тармоққа қайта уланганда амалдаги қонунчиликка мувофиқ Истеъмолчидан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорига ҳақ ундирилади. Шартноманинг 13.1.-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва соданини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчи алоқадор бўлмаган турли ҳал (электр таъминоти носозлиги, чакмоқ, қисқа тушушу ва ҳақидаги техник носозликлар аниқланганлиги сабабдан истеъмол қилинган табиий газ хажмининг ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлик қуввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ хажмларни ташқил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванис тўлов ҳисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчини хабардор қилган ҳолда қарзни қоплашга йўнатилмади ва аванис тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорини, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда тона тўлайди.

4.12. Ҳисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ хажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолчи ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёки олиш (ПТХНА)га уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилиши ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган мезгиллар бўйича ҳисоб-китоб қилинган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёки олдинга кўрсаткичлар Fossa тизимида қиратиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолчи ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда қиратиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12.-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб ойна учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан истеъмолчи электрон ҳисобвазрак-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

- газни ҳисоблаш прибори қотирасидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) эриш мезгумотлари;
- Истеъмолчи тақдим этилган, Истеъмолчининг бўлиниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йўқотишларнинг хажми тўғрисидаги далолатноманинг мавжудлиги; Бунда Истеъмолчи белансида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи ҳисобига олиб борилади.

4.15. Истеъмолчи ойнани 7 кундан кечиктирмадан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб ойна учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қилиб олади, иккундай ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон ҳисобвазрак-фактурани қабул қилади.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламастик ёки ушбу эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ хажмлари учун тўловлардан озоод қилмайди. Узатишдан ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норозил бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириши йўли билан ҳисоб-китоб қилиш ойна тугагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрда мезгум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим қилади. Ушбу масалада Ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.17. Истеъмолчидан лебигер қарларни ундириш Етказиб берувчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қондалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;
- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан қонуни ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиш;
- газ тармоқларидан авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзига келганда, Истеъмолчини билдириш билан ва уни оғоҳлантирмастан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;
- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қондаларликлар бартараф этилушига қадар аввалдан оғоҳлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

7.3. Истеъмолчи қуйдагиларга мажбур:

- ҳисобот ойда табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш даллатномасини ва ҳисоб-варақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасига Етказиб беришга электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш.
- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;
- газ ҳужжалиги газ қуурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;
- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқариш ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;
- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланишларини аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарини мунотазам равишда қўздан кечириб чиқиш;
- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертифициланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛПХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;
- газ етказиб беришчи вакиллари ва "Ўзнефтегазспецкинг" ходимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин қўздан кечирилишни таъминлаш;
- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;
- табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўқинлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг қасдан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган таъмирларнинг бутунчилигини таъминлаш;
- табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.
- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида табиий газ сарфин бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини беришчи газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ПТХНАТ-АСКУГ) тизимига уланишга ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатилиши.

7.4. Истеъмолчи Етказиб беришдан қуйдагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- етказиб беришган табиий газнинг қилинган ҳажмига ва бошқа параметрларга нисбати бўлган тақдирда, Етказиб беришнинг табиий газни истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

6.3. Газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ПТХНАТ) ларига уланишга масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб беришчи қуйдагиларга мажбур:

- ўзинга қарашиб бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;
- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз уланишларини аниқлаш учун даврий қўздан кечириб;
- табиий газ етказиб бериш қиларган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор қилиш;
- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларини, электрон маълумотларнинг барча параметрларини қамда уч йил мобайнида ўзида сақлашнишни таъминлаш;
- шартноманинг 3.17 ва 4.18-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилушига қадар табиий газ таъминотини қўшимча оғоҳлантиришларисиз тармоқдан ўчириш;
- табиий газнинг руҳсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари молдий бойликларнинг талон-тароҳ қилинганлиги тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабардор қилиш;
- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;
- қонунда назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг таълимномасига асосан шартномага ўлгартиришлар киритиш;
- Етказиб беришчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;
- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш;
- табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;
- оғмуқ тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомда;
- иситиш маъмулида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомда;
- иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш маъмулидан ташқари вақтда) — икки кун давомда;
- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка мудат ичда алмаштириш;
- Етказиб беришчи қонунчиликега мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб беришчи қуйдаги ҳуқуқларга эга:

- техник заруратга қўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қилартириш ёки тўхтатиш;
- газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоғидан узиб қўйиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимида риоя қилган ҳолда узатилиши;
 - табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;
 - табиий газни етказиб бериш шартномасини қонуни ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;
 - табиий газни етказиб бериш шартномасини қонуни ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;
 - табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);
 - газ етказиб беришни вақтинча тўхтатишни.
- Истеъмолчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб бериучи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бей берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

Етказиб бериучи вақтинча газни етказиб берилмаганлиги ёки тўлиқ етказиб бермаганлиги учун қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

- а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини руҳсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;
 - б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;
 - в) қонуни ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда;
 - г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганлиги;
 - д) мажбур шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандларида кўрсатилган ҳолларда.
- 8.2. Етказиб бериучи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижада Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб бериучининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари миқдорда жарима қўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб бериучига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Ҳужалик юритувчи субъектлар феолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни асосида жарима санкишлари қўлланади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

- а) форс-мажор ҳолатлар;
- б) магистрал газ қуурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда;
- в) юш даврида вақтинча газ етказиб бериш чекланганда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан таъсир қилган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатида қиритилган қорхоналардан ташқари);
- г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб бериучидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматида 20 фоизи миқдоридан жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб бериучидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.5. Етказиб бериучи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб бериучи Истеъмолчига моддий зарар бир қун учун

мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорда, бироқ етказиб берилмаган газ қийمатининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи моддий зарар қун учун моддий зарар тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, бироқ моддий зарар тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирга нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, бирча амалдаги қонун ва қондаларга оид шартларини ва талабларини талбиқ этилишини ифода қилади ва қафолатлади.

9.2. "Истеъмолчи" "Етказиб бериучи"га мажбур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлади ва қуйидаги мажбуриятларини ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳарақат қилиб, "Етказиб бериучи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ва қондаларига қатъий риоя қилади.

X. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзга келган тақдирда томонлар қонлага кўра, уларни сулғача хал этиш чораларини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларини хал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар қойилган жойдаги тегишли судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий офатлар;

б) магистрал газ қуурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш қорхоналари ва газ казиб чиқариш жойларида қутилмаган авария вақитлари юзга келганда, шунингдек енгиб бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табиий офатлар, хусусан, сел, ёғир, сув тошқини, ёнғин чиқинши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Ҳукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмаётган ҳолларда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, қисқартриш ёки муносабатларини тўхтатиш ҳуқуқига эга бўлади.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзга келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилишни керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 қундан ортиқ қун мобайнида сақланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келтүрүсқада бажариш тўғрисидаги қарор қабул қиладилар.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган қундан бошлаб қўла қиради.

12.3. Шартнома 2011 йил 31 декабрда бўлган муддатга тўлиқан. Шартноманинг муддати тугагандан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор

қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга ўзайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг мудлати тугатилган кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга ўзайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили 10.11 йил 31 декабр санасига амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ўшбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқиладди.

ХШ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги "Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги" № 6010-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан Табиий газни ушбу ҳужжатда исъомолчиларга етказиб бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига қалар амалда бўлади.

13.2. Ўшбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхала тузилган, иккала нусхаси ҳам бир хил қурғил қучга эга.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» «Хушгаз»	«ИСТЕЪМОЛЧИ»
<p>Х/р: <u>Сонзор маъориф</u> <u>Д. Раҳимов 3-4 й</u> Манзил: Тел./факс: <u>888-39-77</u> х/р: _____</p>	<p><u>13-сон белалар</u> <u>муҳт. ва сабабат</u> <u>диётга</u> (бюджет ташкилотлари, ҳуқуқий шаклдаги субъектлар юриси)</p> <p>Ишчи мазоли: <u>Пагарин ширкати</u> <u>Ўзбекистон Республикаси</u> ОКПО коди: _____ ОКЭД: _____ Мулоқот телефони: <u>78-318-24-24</u> Ғал/к: <u>834028003001000000</u> Банк номи: <u>Аларқандий</u> <u>Банк Тошкент ширкати</u> МФО: <u>00014</u> ИНН: <u>201797474</u> ш/к: <u>4006228600812370960800000001</u> х/р: <u>4006228600812370960800000001</u> <u>Мурзочуруқ тумани ҳуқуқий ширкати</u> (таъсис қилинган) _____ Раҳбар: <u>К. Раҳимов</u> (Ф.И.Ш.) _____ Ишбасар: _____ Мурзочуруқ _____</p>
<p>Банк номи: <u>Саноат қурилиш банки</u> МФО: <u>004355</u> ИНН: <u>306605769</u> ОКЭД: <u>35280</u> Х/р: <u>88634000905113960</u> <u>335</u></p>	<p>Раҳбар: <u>Раҳимов</u> (Ф.И.Ш.) _____ Ишбасар: _____ Мурзочуруқ _____</p>

Юридик шакли ва ҳуқуқ ҳулоаси:

Б. Раҳимов
(Ф.И.Ш.) _____
(раҳбар)

(сам)